


ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

МАХСУС СОН ✦ 2013



95



ВЕСТНИК НУУЗ ✦ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУ АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

2013

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ,
МАДАНИЯТШУНОСЛИК
ВА ДИНШУНОСЛИК
ТУРКУМИ

Бош муҳаррир:

Ғ.И.МУҲАМЕДОВ

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

Б.Э.ХУСАНОВ

Ҳ.А.ТОЙЧИЕВ

Тахрир хайъати:

Б.А. ШОИМҚУЛОВ
Х.АКБАРОВ
Ж.Ш.ДЖУМАБАЕВА
Р.ИКРАМОВ
Ҳ.Д.ИШБАЕВ
Р.МАҲАМАДАЛИЕВ
М.С. МИРСОАТОВА
А.МЎМИНОВ
Н.М.МАЖИДОВ
А.К.РАҲИМОВ
Б. ЭШЧОНОВ
М. ҲАЙДАРОВ

Тахрир кенгаши

М.А.НУРМАТОВА
А.Э.АБДУСАМЕДОВ
И.АБДУРАҲМОНОВ
Б.Х.ЖАЛИЛОВ
М.ШАРИПОВ
Ф.А.АБИДЖАНОВА
Н.Б.АБДУЛЛАЕВА
Д.Б.УМАРОВА
А.Д.ТАШАНОВ
Б.У.МАМАТЮСУПОВ
Ж.Қ.ЮСУБОВ

Масъул котиб:

К. РИХСИЕВ

МУНДАРИЖА

МУҲАМЕДОВ Ғ.И. Маънавият – юксак тараққиёт омили.....	5
АБДУСАМЕДОВ А.Э., АБДУСАМЕДОВ Н.А. Тошкентда ислом маданиятининг қарор топиши....	6
НАЗАРОВ Қ. Маънавиятшунослик – мустақиллик меваси.....	9
АБДУЛЛАЕВА М.Н. Когнитивность и креативность в контексте современной эпистемологии и образовании.....	12
ШЕРМУҲАМЕДОВА Н.А. Фаннинг ижтимоий-маданий ходиса сифатидаги фалсафий моҳияти....	15
НУРМАТОВА М.А. Шахс маънавий камолоти ва ахлокий-эстетик маданият.....	17
АБДУРАХМАНОВ М. «Бабурнаме» - ценный источник о культурной жизни Мовераннахра XIV-XVI вв.....	20
ТУЛЕНОВА К., РАСУЛЕВ Э. Патриотизм в духовно-нравственном воспитании молодежи.....	23
МАДАЕВА Ш.О., МАҲМУДОВ Л. Ю. Миллий идентификацион жараёндаги маънавий-маърифий омиллар ва уларнинг олий таълим ислохотларида ақс этиши.....	25
МАҲМУДОВА Г.Т. Зардуштийликнинг диний-фалсафий асослари.....	27
КАРИМОВ Б.Р. Глобаллашув жараёнида шарқ ва ғарб маданиятлари ҳамда тилларининг ўзаро таъсириги оид муаммолар.....	30
КАДЫРОВА З. Р., КАДЫРОВА Ф.Р. Толерантность молодёжи в контексте дальнейшего развития гражданского общества.....	33
АГЗАМХОДЖАЕВА С.С. Инсонпарвар жамият барпо этиш ижтимоий-сиёсий идеал сифатида.....	35
ХЎЖАМУРОДОВ И.Р., СУВОНОВ И.А. Она тили - миллий ўзликни англаш омили.....	38
КЕРИМОВ У.Л. О могуществе идеи или что такое идея?.....	40
РУЗМАТОВА Г.М. Альбер Камю ижодида исёнкор инсон муаммоси.....	43
ҒАЙБУЛЛАЕВ О. Миллий мафқуранинг фалсафий ва маънавий илдизлари.....	46
ДЖАЛИЛОВ Б.Х. Проявления толерантности в межкультурных отношениях.....	49
ШАРИПОВ М. Категориялар – маънавият ривожини назарий жиҳатдан англаш воситалари.....	53
КОБИЛДЖАНОВА Т.А. Тенденции развития духовной культуры современного Узбекистана.....	56
ЛАНЦЕВА О.В. Мышление и язык: современное состояние проблемы.....	59
ФАЙЗИХЎЖАЕВА Д.Э. Абу Али ибн Сино тушунчаларни таърифлаш ҳақидаги таълимнинг ёшлар маънавий оламининг шаклланишидаги аҳамияти.....	62
ТЎХТАЕВ Х., ЁКУБОВА М. Оилавий бурч ва масъулиянинг маънавий асослари.....	64
НИШОНОВА О.Ж. Этномаданиятда миллийлик ва умуминсонийлик.....	66
ДЖУРАЕВ А.А., ДЖУРАЕВА Н.А. Философский аспект вопросов внутреннего мира человека во взглядах мыслителей Центральной Азии.....	68
КАБУЛНИЁЗОВА Г.Т. А.Беркционнинг “онг” ва “хотира” тушунчаларини маънавий негизлари.....	70
ЯКУБОВ Ю.М. Ислом ҳуқуқшунослигида шахс ва жамият муносабатлари талқини.....	72
АБДУРАИМОВА М.Э. Миллий ўзликни англашда исломгача бўлган маънавий мероснинг ўрни....	74
КАДЫРОВА З. Р., АЛИЕВА В.Р. Интерпретация идеологического иммунитета молодёжи в контексте формирования и развития современного мировоззрения и национальной идентичности...	76
АРИФХАНОВА С.М. Зардуштийликда маънавий ва моддий олам ҳақидаги таълимот	78
ГАФФАРОВА Г.Г. Возникновение информации с позиций сложно организованных систем.....	81
АРЫСЛАНБАЕВА З.Е. Маданий мерос – келажак пойдевори.....	85
НАЗАРОВ Н. Спортнинг маънавий тамойиллари ва соғлом авлод тарбияси.....	87
АҲМЕДОВ Ҳ. Бошқарувда раҳбар кадрларнинг маънавий-ахлокий ва ижтимоий баҳолаш мезони.....	90
СТРЕЛЬЦОВА А.С., НАЖМИДДИНОВ Ж. Социальное пространство и время в структуре философского дискурса.....	92
ҚУЛМАТОВ А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш даврида саноат сиёсати.....	95
КАБУЛНИЁЗОВА Г.Т., УМИРОВ Ш. “Таносух” тушунчасининг маънавий жиҳатлари.....	97
ТЕМИРОВА Н., МАМАДАЛИЕВ Н. Маънавий янгиланиш жараёнида инсон омили.....	100
САМАДОВ А.Р. Спорт - толерантликни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.....	102
ИСРОИЛОВ Б.Э., МАРДОНОВ М.Б. Экологик маданиятни шакллантиришда маънавий мероснинг ўрни.....	104
КАДИРОВА З. Ижтимоий-маданий тараққиёт ва илмий ижод: синергетик таҳлил.....	106
БОЗАРОВ Д.М. Синергетиканинг маданий-инсонпарвар хусусиятлари.....	109
УМАРОВА Д.Б. Шахс маънавий камолотида эстетик диднинг ўрни.....	112
АБДУРАҲМОНОВА Д.М. Низомий Арузийнинг “Мажмаъун - наводир” асариди инсон маънавий-ахлокий комиллиги.....	115
ХЎЖАЕВ М.И. Диний дунёқарашда ахлокий қадриятлар талқини.....	117
ТАШАНОВ А. Раҳбарнинг маънавий-ахлокий соҳадаги компетентлиги.....	119
МАМАТЮСУПОВ Б.У. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари.....	121

ЮСУБОВ Ж.Қ. Абу Наср Форобий ижодида дин фалсафаси талкини.....	123
МАМАШОКИРОВ О. Шахс ва жамият экологик манфаатлари уйғунлиги – барқарор тараққиёт шарты	125
ЭРНАЗАРОВА Ё.О. Ғоявий таҳдидларнинг “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлиши.....	127
АЗИМОВ А. Ғарбда инсонпарварлик фалсафаси ривожы.....	129
САЛИЕВА Н.Э. Маънавий таҳдиднинг замонавий кўринишлари.....	131
АБИДЖАНОВА Ф.А. Рухий таҳлил фалсафасида эстетик муносабатнинг маънавий омиллари.....	133
ШАДИМЕТОВА Г.М. Ўзбек халқи байрамларининг маънавий илдизлари.....	135
НИШАНБАЕВА Э.З. Ижтимоий шериклик - фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили.....	137
ЭШАНОВА Г.Н. Ислом маданияти ва тасвирий санъат	139
ҚОДИРОВА Д.С. Мусикада тафаккур ва борлиқнинг диалектик алоқадорлиги.....	141
МАШАРИПОВ Қ., МАҲМУДОВ У. Антик давр хоразм моддий ва маънавий тарихидан.....	143
АКРАМОВ Х.Ф. Иқтидорли болалар билан ишлаш муаммолари.....	145
МАДАМИНОВА Н.З. “Авесто” оила муносабатлари ҳақида	147
МАВЛОНОВ Ж.Ё. Культурно-ценностные ориентиры формирования гражданского общества.....	149
САПАРОВА Г.А. Миллий ўзликни англаш генезиси.....	152
БУРНАЕВ Ш.Н. Понятие “духовно-нравственные основы общества и личности” и формирование человека как личности.....	154
РАҲМОНОВ А.А. Спорт эстетикаси – фан, спорт ва маданият уйғунлигида.....	157
МИРДЖАМАЛОВА Н.З. Адлер таълимотида барқамол инсон ва рухий тарбия масаласи.....	159
ШАРИПОВА О. Фурқат маърифатчилиқ ғояларининг маънавий-ахлоқий аҳамияти.....	161
ТУРҒУНОВ А. Глобал ахборотлашув ва ёшлар тарбияси.....	163
ЗАЙТОВ Э.Х. Ўзбекистонда нафақа ёшидаги аҳолини ижтимоий-маънавий химоялаш.....	165
ҚОДИРОВ М. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари... ..	167
РАВШАНОВ И.Ё. Фуқаролик жамияти қуриш зарурати.....	169
СОҶИЕВ Х. Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-маданий омилларнинг ўрни.....	171
ДЖАСАНОВА С. Аёллар ижтимоий фаоллигининг маънавий-ахлоқий асослари.....	174
МАЖИДОВА О.У. Аристотел мантикий қарашларининг ибн Сино томонидан ривожлантирилиши.....	176
ҒАНИЕВ Б. Тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.....	179
ЖАЛАЛОВА Г. Таълим тизимидаги трансформацияларнинг эпистемологик моҳияти.....	181
МАМАДЖОНОВА М.Қ. Тараққиёт жараёнини тушунтириш: синергетик ёндашув.....	184
НОРОВ Ш. Ёшларда ҳаётий максадни шакллантириш масалалари.....	186
МАТЪЯКУБОВ Э.Р. Влияние ценностей на формирование личности студенческой молодежи.....	188
БЕКЧАНОВ С.И. Жамиятни демократлаштиришнинг маънавий омиллари.....	190
ТЕМИРОВ Ф. Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда диний бағрикенглиқнинг роли.....	192
ТАНГИРОВ Н. Ноосфера концепциясининг ижтимоий-маданий мазмуни.....	194
ЮСУПОВ Ж.Қ. Кадрлар сиёсати - мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожининг асоси.....	196
ҚАЮМОВ Қ.Н. Социал мобиллик ва социал стратификациянинг назарий асослари.....	198
МАҲКАМОВ У.А. Тушунтириш ва башоратнинг диалогик хусусиятлари.....	200
ПАНЖИЕВ С.П. Маънавий таҳдидлар шароитида ҳақиқатнинг зарурати.....	202
РАҲМАТҚАРИЕВА Г.Р. О специфике, структуре и функциях телевидение.....	204
КУЛИКОВА А.Е. Философское осмысление проблемы развития гармонично развитой личности на современном этапе	207
ИСМАИЛОВ А.Р. Меҳнат бозорини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибасини жорий қилиш.....	210
ТУЛАҒАНОВА М.К. Понятие счастья в философии Фараби.....	212
СУВАНОВ И.А. Миллий ўзликни англашга тўсик бўлувчи мафқуралар.....	214
МИРЗАЕВ О.С., ШУКУРОВ Б. Психологик киёфани ўрганишда проектив методикаларни қўллаш имконияти	216
ТУРОБОВА С. Баҳс юритиш - маънавий маданиятнинг муҳим қирраси.....	219
ШОДМОНҚУЛОВА М. Либерализм ва индивидуализм чегаралари.....	222
АЛЛАЯРОВ О. Маънавий муҳит ривожиди интернетнинг аҳамияти.....	225
АМИРОВА Г. Бирлаштирувчи мафқуранинг хусусиятлари.....	227
ОМОНОВ Б. Халқаро экологик муносабатлар ва Ўзбекистон экологик тизими.....	229
СУЛТОНОВ А. Ф. Бошқарув маънавиятининг шаклланиш қонуниятлари.....	232
МЕЛИБОЕВ М. Глобаллашув шароитида бағрикенглиқ муаммоси.....	235
УТЕПОВА Т.Б. Ўзбек ва қорақалпоқ маданий алоқалари.....	237

БОЙГАЗИЕВ Т.И. Форобийнинг илмлар классификацияси ва унинг маънавий-маърифий аҳамияти.....	239
ТЕШАБОЕВ М. “Ахлокий маданият” тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	241
ЮЛДАШЕВ Ф.А. Абу Наср Форобийнинг ақлий билиш ҳақидаги қарашлари.....	244
БОЗАРОВА Ф.Ғ. Кант Трансцендентал эстетикасининг концептуал хусусиятлари.....	247
ХУДАЙБЕРДИЕВ А.Қ. Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлашда маънавий ахлокий омилар.....	249
МАХМУДОВ Ф. Понятие и структура эстетической культуры.....	252
РАШИДОВА Д.Ғ. Анбар Отин ижодида инсонпарварлик ва адолат ғоялари.....	255
НИЯЗМЕТОВ А.Н. Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида закотнинг ижтимоий-маънавий аҳамияти	257
ТИЛАВОВ Ў.Ғ. Экологик ҳаракат институционал тизимини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари	260
БОЗОРБОЕВА Ш.М. “Авесто”да илк давлатчилик ва жамиятни бошқариш масалалари.....	262
ХОДЖАЕВ С.Б. “Авесто” борлик фалсафасида моддий ва маънавий қадрият хусусида.....	265
СОТВОЛДИЕВА У.Қ. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маърифий ишларнинг ўрни (ЎМКҚТ мисолида).....	267
ГАЗИЕВА Ф. Аддиктив хулқли шахсларда ўзгаришга тайёрлик кўрсаткичи ва унга боғлиқ жабҳалар.....	269
ГАЗИЕВА З. Спорт жамоасининг ривожланиш динамикаси.....	272
НИЁЗМЕТОВ А., ХУДАЙНАЗАРОВ Н. Амир Темур меросининг маънавий тикланишдаги ўрни.....	275
ХУДАЙБЕРГАНОВ С. Глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий-ахлокий маданиятини юксалтириш масалалари.....	277
АЛИМОВ Ш., ЭРГАШЕВ А. Жамият маънавий ҳаётида диний ва миллий қадриятларнинг ўрни.....	279
РАВШАНОВ И.Ё., ОЧИЛОВА М.Ш. Шахс, оила ва жамият манфаатлари уйғунлиги.....	281
ЮЛДАШЕВ Ё. Техноген цивилизацияда экологик инқироз муаммоси.....	283
ДЖУМАНҚУЛОВ А.А. Глобаллашув жараёнида миллий маданиятларга таҳдид.....	285
САИДОВА К. Сравнительный анализ рационализма Р. Декарта и Б. Паскаля.....	287
ХОЛМАХМАТОВ А. Хусайн Воиз Кошифий қарашларида адолат категорияси.....	290
АЛИҚОРИЕВА А. Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш – маънавий-маърифий юксалиш манбаи.....	292
ХУШВАҚТОВ З.Р. Сиёсий фикрлар хилма – хиллигининг ёшлар сиёсий маданиятида акс этиши..	294
ТУРОБОВА С. Бахс юритиш - маънавий маданиятнинг муҳим қирраси.....	296
МАШАРИПОВ А.А. Моддий маданиятни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни.....	299
ОБИДОВ А.Ш. Миллий ғоя ва тараққиётда диний омил муаммоси.....	301
Анвар Эшонхонович Абдусамедов 85 ёшда!	304

МЕХНАТ БОЗОРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Исмаилов А.Р.*

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини тартибга солишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Ғарбий Европа мамлакатларида тўпланган тажриба диққатга сазовор. Бу мамлакатларда меҳнат қонунчилиги иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки икки ўн йиллик давомида “Умумий фаровонлик давлати” концепцияси доирасида шаклланди. Ижтимоий мувозанатни қўллаб-қувватлаш умумий фаровонлик давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Аммо давлатнинг ўзи миллий ёки тармоқ даражасида жамоа шартномаларини тузиш ҳамда давлат сектори ишчи ва хизматчиларига нисбатан иш берувчи вазифасини бажариш жараёнида учинчи томон сифатида чиқади.

1980 йилларга келиб, ўзининг индивидуализм, хусусий ташаббус ва шахсий жавобгарлик анъаналари билан тарихан шаклланган АҚШ меҳнат бозори устидан давлат назорати вазифасини жуда суёт ифодалаган ягона мамлакат бўлиб қолди. Европа мамлакатларида ҳамда Тинч океани минтақасида (Япония, Австралия, Янги Зеландия) иш берувчи қонунан белгиланадиган чекловлар сони билан ҳисоблашишга мажбур. Жанубий Европа мамлакатлари – Испания, Италия, Греция учун меҳнат муносабатларининг энг кучли тартибга солинувчанлиги ҳосдир.

Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳамияти унинг нафақат ёлланиб ишловчилар барчасининг аҳволини тартибга солиши билан, балки меҳнат бозорининг амал қилиш самарадорлигига: бандлик ва ишсизлик динамикасига, ишчи кучи ва ишчи ўринларининг қайта тақсимланишига, ишчи кучи алоҳида гуруҳларининг фаровонлигига (хусусан, ижтимоий жиҳатдан кўпроқ ночор бўлган) ва ниҳоят, меҳнат бозорининг ҳар хил турдаги фалажларга мослашиш бутун механизмига бевосита таъсири билан белгиланади.

Меҳнат соҳасидаги стандартлар тўплами бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни тартибга солишнинг бевосита объекти ҳисобланиб, уларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ёллаш ва ишдан бўшатиш тартиблари, ишловчини олдинда турган бўшатилиш тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш муддатлари, чиқиш нафақаси ҳажмлари, касаба уюшмаси органини ёки махсус давлат муассасасини ишчи кучини ишдан бўшатиш тўғрисида олдиндан хабардор қилиш зарурати;

2) оммавий ишдан бўшатиш кампаниясини олиб боришнинг алоҳида тартиблари;

3) ишловчини адолатсиз ишдан бўшатишдан ҳимоя қилишнинг юридик усуллари;

4) меҳнат шартномаларининг турлари (амал қилиш ошқора муддатларига эга бўлган ва муддатли

шартномалари), меҳнат бозорига вақтинчалик ходимларни тақдим қилиш агентлиги.

Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик у ёки бу модели хусусиятларини таҳлил қилишда меҳнат қонунчилигини амалда қўллаш имкониятини ҳисобга олиш муҳим. Кўп ҳолларда саноати ривожланган мамлакатлар қонун ҳужжатларида қайд қилинган қатъий қоидалар ё ишловчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мумкин бўлган юридик усуллари тўғрисида суёт хабардор қилинганлиги туфайли, ёки давлатларда иш берувчилар томонидан қонунчилик бузилган вазиятларда қонунчилик меъёрларининг бажарилишини таъминлашга етарли маблағлар мавжуд эмаслиги туфайли қўлланилмайди.

Ўтган аср 80-йилларининг бошида меҳнат қонунчилиги тизимини жиддий ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлди. Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъийлашуви ўз навбатида бандлик даражасини ушлаб туришнинг муҳим воситаси сифатида қарама-қарши натижага – ишсизликнинг кучайиши ва ҳ.к.ларга олиб келди. Ривожланган мамлакатларни бандликни муҳофаза қилишнинг юзага келган тизимини қайта кўриб чиқишга ундайдиган асосий сабабларни кўриб чиқамиз:

- ишдан бўшатиш тартибига чекловлар меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатиш нуқтаи назаридан самарасиз бўлди (1971 йилдан 1981 йилгача ОЭСР мамлакатларида ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 3,5% идан 6,6% игача ўсди);

- бандлик кафолатлари тармоқларни таркибий қайта қуриш ва уларнинг технологик асоси туфайли юзага келадиган ишловчи ҳаракатчанлигини ошириш зарурияти билан зиддиятга учради;

- меҳнат фаолиятини ўқиш ёки уй мажбуриятларини бажариш ва болалар тарбияси билан бирга олиб боришдан манфаатдор ёшлар ва аёллар орасида, айниқса, эгилувчан иш тартибларига бўлган эҳтиёж ошди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат муносабатларини қатъий тартибга солишдан аста-секин воз кечиш юз бермоқда. Меҳнат бозори эгилувчанлигини ошириш вазифаси устувор вазифа сифатида қўйилиб, бандлик соҳасига бандлик муассасаларининг тўғридан-тўғри аралашувини сусайтиришни; меҳнат муносабатлари асосий иштирокчиларининг ҳуқуқ-атворини қатъий тартибга солишдан воз кечишни; иш берувчи ва ишловчи ўртасида шартнома муносабатлари ролини кучайтиришни; бандлик, иш вақти шакллари ва ҳ.к.ларга нисбатан турли чекловларни олиб ташлашни кўзда тутди. Мазкур устувор вазифанинг қўйилиши давлат сиёсатининг кўплаб ташкил қилувчилари, жумладан, ишсизликдан суғурталаш тизими, меҳнат

* Исмаилов А.Р. - ЎЗМУ Иқтисодиёт факультети “Макроиқтисодиёт” кафедраси тадқиқотчиси

бозоридаги фаол дастурлар ва ҳ.к.ларнинг қайта кўриб чиқилишига олиб келди. Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш мазкур сиёсатнинг бош унсурларидан биридир.

Меҳнат қонунчилигида юз бераётган ўзгаришларни туб ўзгаришлар, деб аташ мумкин эмас, мазкур натижалар кўпинча зиддиятли тавсифга эга бўлди. Бироқ 1980-1990 йилларда саноати ривожланган мамлакатларда бандликни муҳофаза қилиш қонунчилиги соҳасидаги ислохотлар умумий йўналиши пухта кўриб чиқилди: меҳнат бозори тартибга солинувчанлигининг сусайиши; ишчи кучидан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда катта ваколатларни иш берувчига қайтариш ва б.

Бандликни муҳофаза қилиш даражаси кўплаб тавсифларга боғлиқ; иш стажи (шу жумладан, мазкур корхонадаги), касбий мансублиги ("кўк" ёки "оқ" ёқалиларга), тармоқ ва корхонанинг ўзига хослиги. Ғарб мамлакатлари ҳукумати ишчи ташкилотлари, айниқса, касаба уюшмалари билан жиддий конфронтациядан қочишга уриндилар, улар муддатсиз меҳнат шартномасига эга бўлган тadbирларга қарши ҳаракат қилишда (ўзининг сиёсий таъсири пасайишига қарамасдан) давом этмоқда. Ушбу ишловчилар кўп сонли гуруҳлари бандлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги мамлакат қонунчилигининг қатъийлигини баҳолаш қуйидаги тўрт гуруҳ мезонлар бўйича табақалашган бўлиши мумкин: ишдан бўшатишдан олдинги турли тартиботларнинг мураккаблиги; ишловчини бўшатиш ва дам олиш нафақаси ҳажми тўғрисида олдиндан расман хабардор қилиш давомийлиги борасидаги миллий қонунчилик хусусиятлари; ишловчи томонидан бўшатиш тартиботи; жамоавий бўшатиш вазиятида турли мамлакатлар тажрибаси.

Биринчи гуруҳ мезонлар келишувчилик тартиботларига тегишлидир. Мазкур мезон бўйича доимий ишловчилар бандлигини ҳимоялаш даражасида мамлакатлар ўртасида катта тафовутлар мавжуд. Норвегия ҳар бир ишчининг ишдан бўшатилиши тўғрисида давлат бандлик хизматини олдиндан хабардор қилишга иш берувчини мажбурлайдиган ягона давлатлигича қолмоқда. Қонуннинг бу талаби ишдан бўшатиш тартибини

узайтирибгина қолмай, балки ҳар доим ҳам иш берувчига унга кераксиз ишчи кучидан қутулиш имкониятини беравермайди.

Хабар бериш муддатлари ва дам олиш нафақаси ҳажми билан боғлиқ иккинчи гуруҳ мезонлар охириги йилларда унча катта бўлмаган ўзгаришларни бошдан кечирди. Ғарчи АҚШ ва Мексикадан ташқари барча мамлакатларда ишдан бўшатиш тўғрисида олдиндан хабардор қилиш бўйича меъёр қўлланилса-да, бироқ ҳар уч мамлакатдан атиги иккитасида қонунчилик томонидан мазкур компанияда узоқ иш стажига эга бўлган ишловчиларга дам олиш нафақаси тўлаш кўзда тутилади. Дам олиш нафақасини тўлаш амалиёти АҚШ ва Германияда, Данияни истисно этганда, Скандинавия мамлакатларида қўлланилмайди (фақат 20 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади).

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида ҳам иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш тартиблари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 101-моддасига мувофиқ, иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир[1]. Бундан ташқари, Кодексда ишловчиларни иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддатлари ва кетиш нафақаси ҳажмлари ҳам кафолатланган.

Ишловчи томонидан ишдан бўшатиш билан боғлиқ учинчи гуруҳ мезонларга кўра, доимий шартнома асосида ишлайдиганлар орасида "адолатли ва адолатсиз ишдан бўшатиш" тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик мамлакатларда жинси, ёши, диний мансублиги бўйича камситишлар натижасида ишдан бўшатиш адолатсиз, деб баҳоланади.

Жаҳон мамлакатларнинг бандлик ва меҳнат бозорини қўллаб-қувватлаш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида миллий иқтисодиётда бандлик ва меҳнат бозорини қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: Адолат, 1996. –Б.48.

РЕЗЮМЕ

Одним из первичных основ формируемой социально-ориентированной рыночной экономики в нашей стране является защита и развития занятости и рынка труда.

Использование Узбекистаном опыта развитых стран в упорядочении трудовых отношений имеет очень важное значения. Особенно опыт, накопленный в странах Западной Европы. В этих странах трудовое законодательство формируется в рамках концепции «Страна общего благополучия». Очень важное значения имеет поддержка рынка труда национальной экономики на основе изучения и обобщения опытов поддержки занятости и рынка труда в странах с развитой экономикой.

RESUME

One of the primary basics on social-oriented market economy in Uzbekistan is labor economy's defend and development.

It's very important to using skills of developed countries in the labor affairs perhaps, skills of West Europe countries. In these countries labor affairs is creating "Country of good live for all" concept. Also it's very important to support labor market of national economy on using and exploring skills in the labor economy field of high-developed countries.